TOSHKENT OQSHOMI

2026 ЙИЛ
12 ноябрь,
ПАЙШАНБА

Баҳоси келишилган нархда

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Вечерний Ташкент

№ 07 (14,178)







ТОШКЕНТ — АНТАЛЬЯ: ЯШИЛ КЕЛАЖАК САРИ ҚАДАМ

Бугун дунё олдида турган энг катта муаммолардан бири иқлим ўзгаришидир. Илгари экологик таҳдидлар ҳақида асосан олимлар, мутахассислар ва халқаро ташкилотлар доирасида сўз юритилган бўлса, бугун иқлим ўзгариши ва экологик муаммолар ҳар бир давлатнинг тараққиёт стратегияси, ҳар бир шаҳарнинг келажаги ва ҳар бир инсоннинг саломатлигига бевосита таъсир кўрсатадиган долзарб масалага айланди

Чунки тоза ҳаво, мусаффо осмон, яшил боғлар ва соғлом атроф-муҳит энди шунчаки табиат инъоми эмас. Улар инсон ҳаёти сифатини белгилайдиган энг муҳим қадриятлардан бирига айланмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2026 йил 10–11 ноябрь кунлари Туркиянинг Анталья шаҳрига амалий ташрифи алоҳида аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари Туркия Президенти Ражаб Тойиб Эрдоғаннинг таклифига биноан БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси иштирокчилари 31-конференцияси — COP31 доирасида ўтказилаётган жаҳон етакчилари саммитида иштирок этиш учун Антальяга ташриф буюрди.

Бу ташрифни фақат халқаро дипломатик тадбир сифатида баҳолаш камлик қилади. Зеро, унда муҳокама этилаётган масалалар Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши, шаҳарсозлик сиёсати, сув ресурслари, энергетика ва аҳоли саломатлиги билан узвий боғлиқ.

Антальяда ўтказилаётган COP31 конференциясининг муҳим жиҳати шундаки, халқаро ҳамжамият иқлим бўйича қабул қилинган мажбуриятларни амалий натижаларга айлантиришга устувор аҳамият қаратмоқда.

Анжуман кун тартибида тоза энергияга ўтиш, иқлимга мослашувчан шаҳарларни барпо этиш, чиқиндиларни камайтириш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва яшил саноатни ривожлантириш каби йўналишлар бор.

Бу ерда бир муҳим ҳақиқат бор: экологик муаммолар давлат чегараларини тан олмайди. Бир мамлакатдаги қурғоқчилик, бошқа ҳудуддаги ҳаво ифлосланиши ёки сув танқислиги вақт ўтиши билан бутун минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсир кўрсатиши мумкин.

Айниқса, Марказий Осиё учун иқлим ўзгариши масаласи ўта долзарб. Музликлар қисқариши, сув ресурсларига босим ва иссиқлик тўлқинлари бугуннинг ўзидаёқ жиддий муаммолардир. Бу рақамлар ва тенденциялар оддий статистика эмас — эртанги куннинг огоҳлантиришидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасидаги ҳаракатлар бўйича Жаҳон саммитининг очилиш маросимида иштирок этди.

Очилиш маросимида турли мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар бошлиқлари ҳам қатнашди.

Саммит доирасида делегациялар раҳбарларининг биргаликда суратга тушиш маросими бўлиб ўтди.

“Барқарор, осойишта ва адолатли келажак сари” шиори остида ўтаётган етакчилар саммити иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва глобал экологик мажбуриятларни бажариш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларга янги суръат бағишлашга қаратилган.

COP31 конференцияси 9 ноябрь куни бошланган ва 20 ноябрь кунига қадар давом этади. Унда давлатлар, халқаро ташкилотлар, ишбилармон ва илмий доиралар, фуқаролик жамияти вакиллари иштирок этмоқда. Париж битимини ҳаётга татбиқ қилиш, ҳавога иссиқхона газларини чиқаришни қисқартириш, иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш, иқлим молияси қамровини кенгайтириш ҳамда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнини жадаллаштириш масалалари диққат марказида бўлади.

Сув ресурслари тақчиллиги, тупроқнинг таназзулга учраши, музликлар эриши, қурғоқчилик ва глобал исишнинг бошқа оқибатлари кучайиб бораётган шароитда бу масалалар Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси учун муҳим аҳамият касб этади.

Саммит доирасида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳамкорлигида халқаро шериклар кўмагида ишлаб чиқилган “Марказий Осиёда иқлим ўзгаришига чидамли ландшафтлар” (CLiCA) минтақавий дастурига старт берилгани бу борада муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ушбу етти йилга мўлжалланган дастурни молиялаштиришга йўналтириладиган маблағларнинг умумий ҳажми 264,4 миллион еврони ташкил этади, шундан 103,7 миллион евро Ўзбекистон учун мўлжалланган. Маблағлар ўрмонлар ва яйловларни тиклаш, қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгариши шароитида барқарор ёндашувларни жорий этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда қишлоқ аҳолисининг иқлим ўзгаришига мослашиш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилади.

Ўзбекистон глобал иқлим кун тартиби доирасида зиммасига олган мажбуриятларни изчил бажариб келмоқда. Хусусан, 2035 йилга қадар ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган газ чиқиндиларини 2010 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 50 фоизга қисқартириш мақсад қилинган.

Мамлакатимиз БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича Ҳадли конвенциясига 1993 йилда қўшилган, 2018 йилда эса Париж битими иштирокчиси бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш, сув ресурсларини тежаш ва иқлим барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида халқаро ва минтақавий ташаббусларни фаол илгари сурмоқда.

ТОШКЕНТНИНГ ЙЎҚОЛГАН КЎЛЛАРИ



Бугун жадал урбанизация, аҳоли сонининг ўсиши ва иқлим ўзгариши шароитида шаҳарларда соғлом экологик муҳитни сақлаш тобора долзарблашмоқда. Айниқса, йирик мегаполисларда яшил майдонлар ва сув ҳавзаларини кўпайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш аҳоли турмуш сифатига бевосита таъсир кўрсатади.

Тошкентда ҳам қурилишлар кўламининг кенгайиши, транспорт қатновининг жадаллашуви ва ёзги жазирама атроф-муҳит муҳофазасига жиддий эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Шу боис кўллар ва кўкаламзор ҳудудларни тиклаш, янги истироҳат боғлари барпо этиш, ариқ ҳамда каналларни ободонлаштиришга қаратилган ташаббуслар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Муҳими, бу ишлар фақат янги объектлар қуриш билан чекланмай, илгари мавжуд бўлган, кейинчалик турли сабабларга кўра йўқолган ёки фаолияти тўхтаган масканларни қайта жонлантиришни ҳам қамраб олмоқда.

Шундай лойиҳалардан бири Миллий боғга туташ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биноси яқинидаги ҳудудда амалга оширилмоқда. Маълумотларга кўра, бу ердаги аввалги сув ҳавзаси 2020 йил баҳорида Миллий драма театри қурилиши режаси муносабати билан қуритилган. Кейинроқ мазкур қурилиш лойиҳаси тўхтатилган. Энди эса шу жойда сунъий кўл ва замонавий дам олиш маскани ташкил этилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмаси асосида бажарилаётган лойиҳа 23 минг квадрат метр, яъни 2,3 гектар майдонни эгаллайди. Унинг 18 минг 700 квадрат метри сунъий кўлга ажратилган бўлиб, сув сиғими 37 минг 400 куб метрга етиши режалаштирилган. Ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, 150 туп дарахт ҳамда бута экиш, умумий узунлиги 4 минг 600 метр бўлган пиёдалар ва велосипед йўлакларини қуриш, иккита фаввора ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

Меъморий ечимлар орасида баландлиги 30 метр бўлган айланувчи аркали иншоот ҳам бор. Концепцияни ишлаб чиқишда италиялик мутахассисларнинг таклифлари ўрганилган. «Лидер Проф Проект» МЧЖ конструктив ва механик ечимларни такомиллаштириш юзасидан хитойлик мутахассислар билан техник ҳамкорлик имкониятларини кўриб чиқмоқда. Дастлабки лойиҳада арка ичига иккита лифт жойлаштириш ҳам назарда тутилган.

«Magic City» ва Миллий боғга яқинлиги туфайли ушбу маскан пойтахт аҳолиси ҳамда меҳмонлари учун жозибадор манзилга айланиши кутилмоқда. Лойиҳа тўлиқ якунлангач, у кунига 3 минг нафаргача ташриф буюрувчига хизмат қилиши айтилмоқда. Бироқ унинг аҳамиятини фақат меъморий кўриниши ёки меҳмонлар сони билан баҳолаш етарли эмас. Экологик самарадорлик, барқарор сув таъминоти, сув сифатини сақлаш ва дарахтларни парваришлаш ҳам бирдек муҳим.

Пойтахтда бундай ташаббуслар биргина манзил билан чекланмаяпти. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда шаҳар ҳокимлиги ахборотларида саккизта маҳаллада сунъий кўллар ташкил этиш режаси эълон қилинган. Булар — Чилонзор туманидаги Бешёғоч, Сергели туманидаги Хонободтепа ва Қумариқ, Юнусобод туманидаги Боғибўстон, Миробод туманидаги Юксалиш, Шайхонтоҳур туманидаги Ипакчилик, Учтепа туманидаги Қўрғонтепа ҳамда Олмазор туманидаги Замондош маҳаллаларидир. Мақсад — аҳоли учун янги сайилгоҳлар яратиш, айрим ҳудудларда микроиқлимни яхшилаш ва кўкаламзорлаштириш кўламини кенгайтириш.

Бу ўринда ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни фарқлаш зарур. Президентнинг 2026 йил 25 мартдаги ПФ–46-сон Фармонида йил якунига қадар Тошкентда тўртта сунъий кўл ва (ёки) сув ҳавзаси ташкил этиш белгиланган. Саккизта маҳалла бўйича эълон қилинган ташаббус эса кўлами бошқача бўлган режаларни ифодалайди. Шу сабабли ушбу манзилларни фармонда кўрсатилган тўртта объектнинг барчаси аллақачон қуриб битказилган, дея талқин қилиш нотўғри.

Мазкур ишлар давлат миқёсидаги экологик дастурлар билан ҳамоҳанг. Хусусан, Президентнинг 2026 йил 25 мартдаги ПФ–46-сон «Атмосфера ҳавоси сифатини яхшилашга қаратилган “Тоза ҳаво” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида Чилонзор тумани Лутфий маҳалласи, Боғистон кўчасидаги собиқ онкология шифохонаси ўрнида 4,36 гектарлик яшил жамоат парки барпо этиш ҳам назарда тутилган.

Ҳужжатдаги яна бир муҳим мақсад — 2030 йилгача Тошкентда яшил ҳудудлар улушини 30 фоизга етказиш. Бунинг учун қўшимча 565,1 гектар майдонга дарахт экиш зарурлиги ҳисобланган. Ушбу вазифалар босқичма-босқич бажарилса, шаҳарнинг яшил инфратузилмаси кенгайиб, экологик мувозанатни сақлаш имкониятлари ортади.

Айни пайтда сунъий кўлларни барпо этишнинг ўзи кифоя эмас: уларни узлуксиз сув билан таъминлаш ҳам ҳал қилувчи масала. Иқлим ўзгариши, ёзги иссиқ ва сувга талабнинг ортиши ресурслардан тежамкор фойдаланишни талаб қилади.

Президентнинг 2026 йил 27 июлдаги ПҚ–279-сон қарорида шу йўналишдаги чоралар белгиланган. Унга мувофиқ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Сув ресурсларини бошқариш марказини ташкил этиш назарда тутилган. Марказ шаҳар сув ресурсларини ҳисобга олиш, ягона сув балансини шакллантириш, ер усти ва ер ости сувларини кузатиш, тозаланган оқова сувлардан қайта фойдаланиш ҳамда соҳада ягона электрон маълумотлар базасини юритиш билан шуғулланиши белгиланган.

Қарорда 2031 йилга қадар янги каналлар қуриш, мавжуд канал ва коллекторларни таъмирлаш, ёпиқ дренаж тизимини ривожлантириш, яшил майдонларни суғориш учун ёмғир сувини йиғиш иншоотларини барпо этиш ҳам кўзда тутилган. Бундай чоралар сув хўжалигини замонавий бошқаришга хизмат қилади. Хусусан, ёғин сувларини тўплаш ва тозаланган оқова сувдан такроран фойдаланиш ичимлик суви заҳираларига тушадиган босимни камайтириши мумкин.

Тошкентнинг тарихий сув тармоғи — ариқ ва каналларни тиклаш ҳам бу жараённинг узвий қисмидир. Уларнинг ўзанларини тозалаш, шикастланган қисмларини таъмирлаш, сув тақсимотини яхшилаш ва қирғоқларини ободонлаштириш шаҳарнинг анъанавий экологик инфратузилмасини қайта жонлантиришга қаратилган.

Сўнгги ҳужжатларда янги боғлар яратиш билан бирга, мавжуд яшил майдонларни ҳуқуқий муҳофаза қилишга ҳам урғу берилган. ПҚ–279-сон қарорда Тошкент давлат ўрмон хўжалигига 310 гектар ер ажратиб, яшил белбоғлар ва боғлар ташкил этиш белгиланган. Бу ерларни хусусийлаштириш, бошқа шахсларга бегоналаштириш, иккиламчи ижарага бериш, майдонини қисқартириш ва уларда қурилиш ишларини олиб боришга нисбатан чекловлар ўрнатилган. Шунингдек, «Яшил макон» маблағлари ҳисобидан 2026–2027 йилларда босқичма-босқич 10 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 28 февралдаги 83-сон қарорида эса пойтахтда жами 139,6 гектар майдонда жамоат парклари ташкил этиш учун ер участкалари назарда тутилган. Жумладан, Учтепа тумани Катта Чўпонота маҳалласида 15 гектар, Сергели тумани Қут-барака маҳалласида 6,9 гектар, Мирзо Улуғбек тумани Авайхон маҳалласида 21,9 гектар, Миробод тумани Байналминал маҳалласида 23,3 гектар ер ажратиш режалаштирилган. ПҚ–279-сон қарорда аҳоли яшаш жойларидан 15 дақиқалик пиёда масофасида, аввало кўп квартирали уйлар атрофидаги бўш майдонларда кичик яшил боғлар барпо этиш вазифаси ҳам белгиланган. Бу ёндашув кўкаламзор масканларни аҳолига яқинлаштириш билан бирга, уларни шаҳарсозлик жараёнларида асрашга хизмат қилиши лозим.

Шубҳасиз, янги кўллар, парклар ва яшил ҳудудлар Тошкентнинг экологик қиёфасини яхшилаши мумкин. Аммо иншоотни қуришдан кўра, унинг узоқ йиллар самарали фаолият юритишини таъминлаш муҳимроқ. Масалан, сунъий кўллар қайси манбадан сув олади? Сув қандай тозаланади ва янгиланади? Буғланиш туфайли камайган ҳажм қай тарзда тўлдирилади? Экилган дарахтларнинг тутиб кетиши ва доимий парваришини ким назорат қилади?

Бу саволларга аниқ жавоблар лойиҳаларнинг ҳақиқий экологик самарасини баҳолаш имконини беради. Шунингдек, илгари қуритилган ҳавзалар ва қисқартирилган яшил ҳудудлар тарихини ўрганиш, ўша пайтда қабул қилинган қарорларни очиқлаштириш, янги ташаббусларнинг ер ажратиш ҳамда молиялаштириш ҳужжатларини жамоатчиликка тақдим этиш мақсадга мувофиқ. Зеро, шаҳарнинг табиий бойликлари нафақат бугунги, балки келажак авлодларга ҳам тегишли.

Бошланган ишларнинг муваффақияти фақат янги кўллар сони ёки боғлар майдони билан эмас, уларнинг йиллар давомида сақланиши, аҳолига хизмат қилиши ва атроф-муҳитга ижобий таъсири билан ўлчанади. Тошкентнинг замонавий қиёфасини баланд бинолар ва кенг кўчалар қатори мусаффо ҳаво, соя-салқин боғлар, тоза сув ҳавзалари ҳамда жонли ариқлар ҳам белгилаши керак. Бу эса барчамиздан табиатга масъулият билан ёндашиш, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш ва яратилган экологик бойликларни асрашни талаб этади.

Ш. Абзалова тайёрлади.





ТОШКЕНТ ДУНЁНИ МАФТУН ЭТМОҚДА

Тошкент — қадимий, шу билан бирга, ҳамиша навқирон шаҳар. Унинг ёшини тарих билан ўлчайсиз, кайфиятини эса бугунги кўчаларидан, болалар кулгусидан, саҳарги бозорларидан сезасиз. «Тошкентнинг донини еган чумчуқ Маккадан қайтиб келади», дейди халқимиз. Бу иборанинг қачон пайдо бўлганини аниқ айтиш қийин. Аммо у кеча туғилмагани, шаҳарга боғланган кўнгилнинг узоқ йиллик тажрибасини ифодалаши шубҳасиз.

Нега қайтиб келади ўша чумчуқ? Чунки Тошкентнинг виқори билан самимияти бир-бирига ярашади. Бу ерда катта шаҳарнинг шиддати ҳам бор, маҳалланинг «келинг, бир пиёла чой ичинг, деган меҳри ҳам. Келган одам оч қолмайди — ризқ топади, зерикмайди — ўз дидига мос олам топади. Бир куни музейга киради, бир куни театрга, бир куни Чорсунинг гавжум расталарини айланса, бошқа куни хиёбондаги хазон шитирини тинглайди.

Ҳозир куз. Тошкентнинг кузи олтин барглари, салқин тонглари, кундузги юмшоқ қуёши билан гўзал. Қишнинг ўз сукути, баҳорнинг ўз ифори, ёзнинг сершоя оқшомлари бор. Ҳар фасл шаҳарнинг бошқа бир сирини очади. Тошкентга келган меҳмон Ўзбекистоннинг фақат маъмурий марказини эмас, мамлакат қалбининг уришини ҳам сезади: турли вилоятлар овози, таъми, ҳунари ва орзулари шу ерда учрашади.

Бугун эса бу шаҳарга хориж матбуоти ҳам қайта-қайта назар ташламоқда. Нега? Фақат янги бинолар учунми? Фақат қадимий обидалар учунми? Йўқ. Турли журналистларнинг материалларини ёнма-ён ўқисак, уларни Тошкентга олиб келган сабаблари ҳам, топган жавоблари ҳам турлича эканини кўрамиз.

1785 йилдан тарих бошлаган Британиянинг The Times газетаси саёҳат бўлимида журналист КлэрБбайер Тошкент ҳақида «This fascinating city is much more than a Silk Road pitstop» мазмунидаги материални эълон қилди. Муаллиф Тошкентни Самарқанд, Бухоро ёки Хивага йўл олишдан аввал бир кеча тунаб кетиладиган жой сифатида эмас, алоҳида вақт ажратишга арзийдиган маданий манзил сифатида тавсия этади.

Унинг йўналиши кенг: Чорсу бозори, Амалий санъат музейи, «Космонавтлар» метро бекати, театрлар, теленора, замонавий санъат ва Ислом цивилизацияси марказлари, миллий таомлар. Бу рўйхатда энг муҳим нарса объектлар сони эмас, шаҳарнинг бир неча даврни бир вақтда яшата олишидир. Хорижлик учун Чорсу — қизиқарли бозор; биз учун эса у ризқ, савдо одоби ва авлодлар хотираси. Унинг кўзи меъморий безакни кўрса, биз ўша нақш ортидаги усталар қўлини ҳам кўрамиз.

Буюк Британияда 1888 йилда асос солинган, иқтисодий ва таҳлилий журналистикаси билан танилган Financial Times «Exploring Tashkent's modernist monuments» мақоласида бошқа Тошкентни очади. Унинг диққат марказида 1966 йилги зилзиладан кейинги модернистик меъморчилик, Чорсу гумбази, «Космонавтлар» бекати, Халқлар дўстлиги саройи, цирк ва «Ўзбекистон» меҳмонхонаси каби иншоотлар туради. Нашр бу мероснинг бадиий жасоратини ҳам, совет даврининг сиёсий зиддиятларини ҳам четлаб ўтмайди.

Бу ёндашув бизга муҳим савол беради: янгиланиш дегани эскини унутиб юборишми? Тошкент зилзиладан кейин қайта тикланган, ўзининг янги меъморий тилини яратган. Бугун ўша биноларни асраш — бир давр мафкурасини улуғлаш эмас, шаҳарнинг мураккаб тарихини ҳалол тан олишдир. Чунки хотирасиз шаҳарнинг эртаси ҳам қашшоқ бўлади.

Бирлашган Араб Амирликларида чоп этиладиган инглиз тилли The National нашрида Калпана Сундер 2026 йил 16 октябрда «48 hours in Tashkent: How best to explore the Uzbekistan capital» мақоласини эълон қилди. У икки кунлик шахсий маршрутда Ҳазрати Имом мажмуаси, Бароқхон мадрасаси, Ислом цивилизацияси маркази, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, цирк, ёш дизайнерлар маҳсулотлари намойиш этилган Teplo дўкони ва миллий таомлар тақдим этиладиган Lali ресторанига боради.

Муаллифнинг нигоҳида Тошкентнинг қадимий исломий мероси, модернистик бинолари ва янги ижодкорлар авлоди ёнма-ён туради. Мана шу ерда шаҳримизнинг ўзига хос хислати очилади: у меҳмонга фақат тарихий сурат эмас, ҳаракатдаги ҳаётни кўрсатади. Икки кунлик сафар — бир танишув, холос. Тошкентни севиб қолиш учун баъзан шунинг ўзи кифоя, уни англаб етиш учун эса яна қайтиш керак.

Американинг National Geographic нашри 2026 йил 5 августда адиб ва саёҳат муаллифи Гари Штейнгартнинг «The surprising detour of the Silk Road, the world's original superhighway» мақоласини чоп этди. Бу Тошкентнинг ўзи ҳақидагина эмас, Ўзбекистон бўйлаб сафар очерки. Аммо унинг бошланиши — Тошкентдаги Чорсу бозори.

Штейнгарт Чорсуни қадимий савдо йўллари билан бугунги ҳаётни боғлайдиган рамз сифатида кўради. Шу билан бирга, у туризмнинг ўсиши, қурилишлар кўлами ва Буюк ипак йўли образининг тижорий тарғиботда қўлланишини ҳам танқидий кузатади. Демак, бу материални фақат мақтов сифатида ўқиш бирёқлама бўлар эди. У бизга савол беради: дунёга ўз тарихимизни танитар эканмиз, уни фақат безакка айлантириб қўймаяпмизми? Чорсунинг қадри фақат мовий гумбазида эмас, у ердаги тирик савдо маданиятида ҳам.

Германиянинг TRAVELBOOK саёҳат нашрида Лена Браун Тошкентга бориш нега арзишини ёритган материал билан чиқди. Унда Ҳазрати Имом, Кўкалдош мадрасаси, Ислом цивилизацияси маркази ва модернистик меъморчиликнинг миллий анъаналар билан уйғунлиги таъкидланади.

Немис журналисти эътиборини тортган уйғунлик — Тошкентнинг энг табиий хусусияти. Бу шаҳар қадимиятни музей ойнаси ортига яшириб қўймайди; у замонавий ҳаёт билан мулоқотда яшайди. Аммо айнан шунинг учун ҳам ҳар бир тарихий обида ва маҳалла қиёфасига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш шарт.

Euronews'нинг Янги Тошкент қурилиши ҳақидаги ноябрь ойи материали эса шаҳарнинг келажак режаларига қаратилган: турар жойлар, давлат муассасалари, таълим масканлари, транспорт тармоқлари. Бундай ахборотда амалга ошган ишлар билан ҳали режалаштирилаётган лойиҳаларни ажратиш муҳим. Биноларнинг баландлиги ёки инвестиция миқдори ўз-ўзидан бахт мезони эмас. Янги шаҳарнинг ҳақиқий қиймати — болаларга мактаб, кексаларга соя, пиёдага хавфсиз йўл, ҳар бир оилага муносиб ҳаёт ярата олишида.

Бу саволга барча нашрлар номидан битта жавоб бериш мумкин эмас. Журналистлар турли мавзуларни танлаган, айримлари ижобий таассуротлар билан бирга танқидий саволлар ҳам қўйган. Аммо уларнинг мақолаларини бирлаштирувчи жиҳат бор: Тошкентни бир қолипга сиғдириб бўлмайди. Унда қадимий бозор ҳам, янги галерея ҳам, шарқона нақш ҳам, модернистик бетон ҳам, миллий ошхона ҳам, замонавий дизайн ҳам бор.

Бироқ шаҳарнинг кўнгилга энг яқин жиҳатини фақат саёҳат қўлланмалари билан ўлчаб бўлмайди. У — бир бурда нон узатган қўлда, йўл кўрсатган нотаниш инсоннинг хушмуомаласида, меҳмонга очилган эшикда. Тошкентнинг виқори унинг салобатли биноларида бўлса, самимияти одамларининг юрагида. Бу иккиси бирлашгандагина шаҳар унутилмас манзилга айланади.

Лекин севги — фақат мақтов эмас. Биз Тошкентни чиндан севсак, унинг дарахтларини, ҳавосини, тарихий биноларини, маҳалла руҳини ҳам асрашимиз керак. Хорижий матбуотнинг қизиқиши қувонарли, аммо пойтахт тараққиётининг энг муҳим баҳосини бу ерда ҳар куни яшаётган инсон беради. Шаҳар меҳмон учун гўзал, аҳоли учун эса қулай ва адолатли бўлсин.

Дунё Тошкентни энди янгидан кашф этаётгандир. Биз эса унинг саҳарини ҳам, оқшомини ҳам, кузги хазонини ҳам, ёзги иссиғини ҳам яхши кўрамиз. Шунинг учун халқимиз «Тошкентнинг донини еган чумчуқ Маккадан қайтиб келади», деган бўлса керак. Уни фақат дон эмас, шу шаҳарнинг меҳри ҳам қайтарган.

Дунё Тошкентнинг гўзаллигини кўрмоқда. Биз эса унинг қалбини ҳис қиламиз.



ДЕПУТАТНИНГ МЕЗОНИ – НАТИЖА!



Тилляшайхов Мирзағолиб Ниғматович 1958 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, 1975 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтига ўқишга кирган. Қарийб 51 йилдан буён тиббиёт соҳасида, жумладан, раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиб келмоқда.

Олий тоифали шифокор, тиббиёт фанлари доктори, профессор. 2017 йилда фан ва техника соҳасидаги давлат мукофотининг II даражаси билан тақдирланган. 2024 йилдан буён халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистон Экологик партияси аъзоси.









— Тошкентдаги таъмирталаб йўллар ва ички кўчалар ҳолатини яхшилаш бўйича қандай аниқ режалар бор?

— Тиббиётда «Томир тоза бўлса, аъзога қанот киради», деган ибора бор. Шаҳар йўллари ҳам пойтахтнинг қон-томир тизимига ўхшайди.

Тошкентда, жумладан, маҳаллалардаги таъмирталаб кўчаларни босқичма-босқич мукаммал ва жорий таъмирлаш дастурлари тасдиқланган. Экологик партия вакили сифатида сув тўпланишининг олдини оладиган дренаж тизимлари, дарахт илдизларига зарар етказмайдиган сифатли йўл қопламалари ва пиёдалар йўлакларини барпо этишни талаб қиляпмиз. Жорий йилда аҳоли мурожаатлари кўп тушган, йўллари оғир аҳволдаги маҳаллаларга устувор эътибор қаратилмоқда.

— Автобуслар сонини кўпайтириш ва ҳаракат интервалини қисқартириш учун қандай чоралар кўрилмоқда?

— Жамоат транспортини ривожлантириш фақат қатнов масаласи эмас. Бу шаҳар экологияси ва аҳолининг кундалик ҳаёт сифатига ҳам таъсир қилади.

Пойтахтга янги электробуслар ва сиқилган табиий газда ишлайдиган замонавий автобусларни олиб келиш давом этмоқда. Тиғиз соатларда йўналишларга қўшимча автобуслар чиқариш, ҳаракат интервалини 3–5 дақиқагача қисқартириш юзасидан «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ раҳбариятига депутатлик сўровлари ва таклифлар киритмоқдамиз. Автобуслар учун ажратилган алоҳида йўлаклар — А-линиялар самарадорлигини ошириш ҳам назоратимизда.

— Ичимлик суви, электр энергияси ва иссиқлик таъминотидаги муаммолар юзасидан қандай назорат олиб борилмоқда?

— Коммунал хизматлар сифати одамларнинг турмушига бевосита таъсир қилади. Жойларга чиқиб, иссиқлик таъминоти корхоналари, электр тармоқлари ва «Тошкент шаҳар сув таъминоти» корхонаси фаолиятини ўрганамиз. Айниқса, куз-қиш мавсумига тайёргарлик туман ва маҳаллалар кесимида мониторинг қилинади. Авариялларда тезкор бригадаларнинг ўз вақтида етиб бориши ва носозликларни бартараф этиши депутатлик назоратида.

Шифокор ва эколог сифатидаги позициям қатъий: ҳар бир хонадон тоза ичимлик суви, барқарор электр энергияси ва меъёрий иссиқлик билан таъминланиши шарт.

— Ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашда қандай имкониятлар мавжуд?

— Ёшларнинг келажаги уларнинг бандлигига ҳам боғлиқ. Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Ишсиз ёшларни замонавий касбларга, жумладан, «яшил технологиялар» йўналишига тайёрлаш, имтиёзли кредитлар ва мономарказлар имкониятларидан фойдаланишига кўмаклашмоқдамиз.

Экологик инновациялар, чиқиндиларни қайта ишлаш ва кўкаламзорлаштириш соҳаларидаги ёшлар лойиҳаларини грантлар орқали қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтириш ҳам муҳим вазифа.

— Чекка маҳаллалар инфратузилмаси учун бюджет маблағлари қандай тақсимланмоқда?

— Маҳаллий бюджет маблағларини тақсимлашда «Ташаббусли бюджет» (Open Budget) тизими муҳим ўрин тутади. Депутат сифатида маблағлар шаффоф ва энг кўп эҳтиёж сезилаётган ҳудудларга йўналтирилишини назорат қиламан. Чекка маҳаллаларда ичимлик суви тармоқларини янгилаш, кўчаларни ёритиш, болалар майдончаларини қуриш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланишга устувор аҳамият берилмоқда.

— Давлат поликлиникалари ва шифохоналарида хизмат сифатини ошириш учун депутатлик назорати қандай йўлга қўйилган?

— Тиббиёт — менинг 50 йиллик ҳаёт йўлим ва асосий касбим. Шифокор ҳамда раҳбар сифатида соҳадаги муаммоларни ичдан биламан.

Поликлиникаларда «Электрон шифокор» ва электрон навбат тизимларининг ишлаши, бепул ҳамда имтиёзли дори-дармонлар билан таъминлаш, тиббий ускуналарнинг созлиги, санитария-гигиена талабларига риоя этилишини ўрганаман. Зарур ҳолларда муассасаларга олдиндан огоҳлантирмасдан бораман. Ходимлар масъулияти билан бирга, улар учун муносиб меҳнат шароитлари яратилиши ҳам эътиборимда.

— Янги қурилишларда аҳоли манфаатлари, экологик талаблар ва инфратузилма имкониятлари ҳисобга олинишини ким назорат қилмоқда?

— Бу Ўзбекистон Экологик партияси учун принципиал масала. Ҳар бир қурилиш Тошкентнинг Бош режаси ва шаҳарсозлик талабларига мос бўлиши шарт. Шаҳар Кенгаши сессиялари ва комиссиялар йиғилишларида икки муҳим талабни илгари сурамиз.

Биринчиси — яшил ҳудудлар дахлсизлигини таъминлаш. Янги лойиҳаларда мавжуд дарахтларни сақлаш ва кўкаламзорлаштириш чоралари кўзда тутилиши лозим.

Иккинчиси — қурилиш бошланишидан аввал электр, сув ва канализация тармоқлари қўшимча юкламани кўтара олишини баҳолаш. Шу мақсадда масъул идоралар ва қурилиш ташкилотлари вакилларини Кенгаш йиғилишларига таклиф этиб, аҳоли эътирозлари юзасидан эшитувлар ўтказамиз.

— Фуқаролар мурожаатларининг қанчаси ижобий ҳал этилган? Бу борада очиқ ҳисобот бериладими?

— Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири ва ишончи турибди. Келиб тушган мурожаатларнинг 80 фоиздан ортиғи амалда ижобий ҳал этилган. Қолганлари бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилган ёки масалаларни узоқ муддатли дастурларга киритиш чоралари кўрилган.

Сайловчилар олдида мунтазам ҳисобот берамиз: ҳар чорак якунида маҳалла фуқаролар йиғинларида учрашувлар ўтказилади, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари орқали бажарилган ишлар ҳақида ахборот берилади.

— Сайловолди ваъдаларингиздан қайсилари бажарилди? Келгуси бир йилда қандай натижаларни режалаштиргансиз?

— Сайловолди дастуримизда маҳаллалар экологиясини яхшилаш, тиббий хизмат сифатини ошириш ва мурожаатларга тезкор муносабат билдириш устувор эди. Бир қатор маҳаллаларда ноқонуний қурилишларнинг олдини олишга кўмаклашдик, яшил ҳудудларни сақлаш ва янгиларини барпо этиш ташаббусларини илгари сурдик. Поликлиникаларнинг моддий-техник базасини яхшилашга ҳам ҳисса қўшдик.

Келгуси бир йилда маҳаллаларда камида иккита янги яшил жамоат боғи ва истироҳат бурчагини барпо этишга кўмаклашишни, коммунал ҳамда йўл инфратузилмасига оид мурожаатлар ижросини охиригача назорат қилишни режалаштирганмиз.

Шифокор сифатидаги бош тамойилим: «Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал». Шаҳар муаммоларига ҳам шу нуқтаи назардан ёндашсак, Тошкент янада яшил ва яшаш учун қулай масканга айланади.

Зафар НАЗАРОВ суҳбатлашди

ПОЙТАХТ ХАВФСИЗЛИГИ: УЧИНЧИ БОСҚИЧ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида «Хавфсиз ва соғлом юрт» кенг қамровли тезкор-профилактик тадбирлар ойлигининг учинчи босқичига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ИИББ, шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, фавқулодда вазиятлар, божхона, адлия ва солиқ органлари раҳбарлари, туман ҳокимлари ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар масъуллари иштирок этди.

Йиғилишда жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишлар таҳлил қилинди. Президент томонидан пойтахтда жиноятчиликни жиловлаш, хавфсиз муҳит яратиш ва шаҳарнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси идоралараро ҳамкорлик ва манзилли ёндашувни талаб этиши таъкидланди.

Криминоген вазият таҳлилига кўра, пойтахтдаги 585 та маҳалланинг 102 таси «яшил», 468 таси «сариқ», 15 таси эса «қизил» тоифага киритилган. Ҳар бир ҳудуддаги ҳолатдан келиб чиқиб, алоҳида чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди. Шунингдек, тезкор-қидирув фаолияти, кўчалар ва жамоат жойларида хавфсизликни таъминлашга оид 49 та устувор йўналишни қамраб олган, 109 банддан иборат идоралараро қарор ва қўшма режа ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Ойлик доирасида тергов ва тезкор-қидирув ишларини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш, жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини чуқур ўрганиш ҳамда уларнинг такрорланишига йўл қўймаслик устувор вазифа сифатида белгиланди. Маҳаллалардаги «еттилик» билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хавфсиз туризм, пробация, миграция ва персоналлаштириш йўналишларида манзилли ишлаш юзасидан топшириқлар берилди. Натижалар ва мавжуд муаммолар ҳар ҳафта якунида шаҳар ҳокими иштирокида муҳокама қилиниши белгиланди.

Жамоат жойларида тартибни сақлаш ва қўриқлаш хизматлари самарадорлигини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Хонадонлар, савдо шохобчалари ва дўконларда ўғирликларнинг олдини олиш мақсадида уларни қўриқлаш тизимига қамраб олиш чораларини кўриш, Миллий гвардияга бириктирилган объектларда хавфсизликни кучайтириш вазифалари қўйилди. Маҳаллаларда замонавий PTZ ва Face-ID технологияларига эга кузатув камераларини ўрнатиш, «Намунавий хавфсиз кўча», «Намунавий хавфсиз йўлак» ҳамда «Намунавий хавфсиз уй» лойиҳаларини кенгайтириш режалаштирилди. Божхона органларига қонунчилик билан тақиқланган буюмларнинг республика ҳудудига ноқонуний олиб кирилишига қарши назорат ва профилактикани кучайтириш топширилди.

Ижтимоий профилактика доирасида муқаддам судланганлар, пробация назоратидаги шахслар, спиртли ичимликларга ружу қўйган ёки гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммолари бор фуқаролар билан индивидуал ишлаш зарурлиги қайд этилди. «Қизил» тоифадаги хонадонлар муаммоларини ўрганиш, низоли ва ажрим ёқасидаги оилаларга тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда кўмаклашиш, оилавий низоларнинг оғир оқибатларини барвақт бартараф этиш вазифалари белгиланди.

Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, узоқ муддат хорижда бўлган шахсларнинг оилавий шароитини ўрганиш, вояга етмаганларнинг таълим муассасаларига мунтазам қатнашини назорат қилиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан ишлаш масалалари кўриб чиқилди. Фарзандларини хорижда қаровсиз қолдирган ота-оналар билан боғлиқ ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилиб, бундай хатти-ҳаракатларнинг ҳуқуқий оқибатлари, қонунчиликда назарда тутилган маъмурий ва жиноий жавобгарлик тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Кибержиноятчиликка қарши курашиш ҳам йиғилишнинг муҳим мавзуларидан бири бўлди. Интернет орқали содир этиладиган фирибгарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг киберхавфсизликка оид билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда тушунтириш ишларини кенгайтириш вазифалари белгиланди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси масъулларига сурункали алкоголизм ва гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳолатларни барвақт аниқлаш, шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтказиш, зарур ҳолларда мажбурий даволаш масаласини қонуний асосда кўриб чиқиш топширилди. Фавқулодда вазиятлар йўналишида эса иситиш тизимларидан хавфсиз фойдаланиш, ис газидан заҳарланиш ва ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни кучайтириш белгиланди.

Йиғилишда маҳаллаларга бириктирилган раҳбарлар фаолияти ҳам танқидий кўриб чиқилди. Аҳоли мурожаатларини ўрганиш, жойлардаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш борасидаги ишлар баҳоланди, айрим маҳаллаларда вазифалар ижросидаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Масъулларга фуқаролар билан бевосита мулоқотни кучайтириш, мурожаатлар бўйича амалий ечимларга эришиш ва топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Йиғилиш якунида «Хавфсиз ва соғлом юрт» тадбирларининг учинчи босқичида белгиланган вазифаларни сифатли бажариш, идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ҳар бир маҳаллада хавфсиз муҳитни шакллантириш асосий мақсад сифатида қайд этилди. Бу ишлар жиноятчиликни жиловлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда пойтахтда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга хизмат қилиши лозим.

Нилуфар Мадиева,
Тошкент шахар ИИББ Ахборот мультимедия маркази бошлиғи, подполковник

ИНСОН ҚАДРИ — ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ БОШ МЕЗОНИ

«Инсонни ҳурмат қилиш — ривожланишнинг энг муҳим шарти».
Антуан де Сент-Экзюпери

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият экани мустаҳкамланган. Бу қоида ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонини белгилайди: давлат фаолияти марказида инсон ва унинг қонуний манфаатлари туриши лозим.

Аввалги амалиётда эса айрим ҳолларда давлат манфаатларига устуворлик берилгани кузатиларди. Масалан, ҳукумат қарори билан белгиланган тартибга кўра, фуқароларнинг ер участкалари «давлат ва жамоат эҳтиёжлари» учун олиб қўйилар эди. Бироқ давлат эҳтиёжи нимани англатиши, жамоат эҳтиёжи ундан қай жиҳати билан фарқланиши ёки тадбиркорлик мақсадида кўп қаватли уй қуриш учун ер ажратиш қайси тоифага кириши борасида саволлар туғиларди.

«Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонун ушбу соҳада ҳуқуқий аниқликни таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжатлардан биридир. Унда компенсация эвазига ер участкасини олиб қўйишга асос бўладиган жамоат эҳтиёжлари белгилаб берилган. Бу, ўз навбатида, мулкдор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун аҳамиятли.

Президентнинг 20 июндаги йиғилишда билдирган «Инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак» деган фикри ҳам инсон ҳуқуқлари кафолатларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш заруратини ифодалайди. Шу маънода инсоннинг ҳаёти, эркинлиги ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш давлат зиммасидаги муҳим мажбуриятдир.

Халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этиш ҳам мазкур масъулиятнинг ажралмас қисмидир. Матнда келтирилган маълумотга кўра, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган. Уларнинг ижроси юзасидан БМТнинг тегишли тузилмаларига миллий маърузалар тақдим этиб келинади.

БМТ Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда қабул қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида барча инсонлар қадр-қиммат ва ҳуқуқларда эркин ҳамда тенг туғилиши, бир-бирига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлиши лозимлиги таъкидланган.

1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-моддаси иштирокчи давлатлар зиммасига ўз ҳудудида ва юрисдикцияси остида бўлган шахсларнинг Пактда эътироф этилган ҳуқуқларини камситишсиз ҳурмат қилиш ҳамда таъминлаш мажбуриятини юклайди. Бунда ирқ, тана ранги, жинс, тил, дин, сиёсий ёки бошқа эътиқод, миллий ёхуд ижтимоий келиб чиқиш, мулкий аҳвол, туғилиш ва бошқа ҳолатлар бўйича тафовутга йўл қўйилмаслиги назарда тутилади.

Қонунчилик фуқарога бажариб бўлмайдиган ёки асоссиз равишда оғир мажбуриятлар юкламаслиги керак. Қонун инсон ҳаётини мураккаблаштириш эмас, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини адолатли тартибда таъминлашга хизмат қилиши лозим.

Масалан, фуқаро оиласи билан автомобилда вилоятга йўл олганида тўланмаган жаримаси аниқланса, илгари транспорт воситасини махсус сақлаш жойига олиб кетиш ҳолатлари учраган. Ҳолбуки, бундай вазиятда кўзланган қонуний мақсад — қарздорликни ундириш. Матнда тилга олинган ҳукумат қарорига кўра, аниқланган қарздорлик тўланганидан кейин фуқарога йўлини давом эттириш имконияти берилиши белгиланган. Бу мисол давлат идоралари қўллайдиган чоралар қонуний мақсадга мутаносиб бўлиши кераклигини кўрсатади.

Давлат органлари билан муносабатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатларидан бири қонунчиликдаги бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршилик ва ноаниқликларни инсон фойдасига талқин қилиш тамойилидир.

«Инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида қонунчиликда юзага келадиган, бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилинади».

Ҳуқуқий давлатда ижтимоий муносабатлар аниқ қоидалар асосида тартибга солиниши зарур. Шунга қарамай, ҳаёт доим ўзгариб боради: янги муносабатлар пайдо бўлади, айрим вазиятларнинг ечими қонунчиликда батафсил кўрсатилмаган ёки қоидалар турлича талқин қилиниши мумкин. Бундай пайтда масала кимнинг фойдасига ва қайси ҳуқуқий асосда ҳал этилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур ёндашув жиноят процессида шахс ҳуқуқларини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам маълум. Унинг конституциявий даражада мустаҳкамланиши давлат органлари билан муносабатга киришаётган ҳар бир инсон учун умумий ҳуқуқий кафолат яратади.

Энг муҳими, қонунчиликда бартараф этиб бўлмайдиган ноаниқлик юзага келганда уни автоматик равишда давлат идораси манфаатига йўйишга йўл қўйилмайди. Аксинча, инсон фойдасига талқин қилиш талаби устувор бўлади. Бу тамойил инсон қадрини улуғлаш ғоясининг ҳуқуқий ифодаси бўлиб, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларда адолат ҳамда ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бахтиёр МАШАРИПОВ
Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) Тошкент шаҳридаги минтақавий вакили



ЭРКИН КОМИЛОВ: “ҲАММА НАРСАНИ ПУЛ ҲАЛ ҚИЛМАЙДИ!”

Санъат — қаҳрамонимиз учун шунчаки касб эмас, балки виждон, садоқат ва умрининг мазмунидир. Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов билан суҳбатимизда театрнинг кечаси ва бугуни, улуғ устозлардан қолган сабоқлар, ёш ижодкорларнинг изланишлари, санъатдаги ҳалоллик ва вақтнинг қадри ҳақида сўз борди. Қарийб бир умр саҳнага садоқат билан хизмат қилган санъаткорнинг ҳар бир мулоҳазасида ҳаётий тажриба, устозларга эҳтиром, бугунги авлодга талабчанлик ва йиллар давомида тўпланган ҳикмат мужассам.

— Эркин ака, бир неча авлод актёрлари билан ишлагансиз. Бугунги ёшларнинг қайси жиҳатларига ҳавас қиласиз, қайси томонлари сизни ташвишлантиради?

— Ичимдаги дардни қўзғадингиз. Бир санъаткорнинг «Дилноза Кубаевадан бошқа қандай актёрларимиз бор?» деган гапини эшитдим. Нега энди? Бугун саҳнада қобилиятли, тажрибали ёшларимиз жуда кўп. Асадулло Набиев, Лазиз Орзиев, Аброр Сайназаров, Даврон Каримов, Тоҳир Саидов каби ижодкорларимиз бор. Актрисаларимиз ҳам бир-биридан истеъдодли. Улар саҳнани тўлдириб туришибди. Театр яшаяпти, томошабин келаяпти. Ёшларнинг спектаклларини кўриб, чин дилдан қойил қоламан. Уларни йўққа чиқариш инсофдан эмас.

— Театр актёри билан кино актёрига қўйиладиган талаблар ҳақида сиз нима дейсиз?

— Албатта. Кино ва театр — икки хил мактаб. Кинода камера бир қарашингизни яқиндан кўрсатиши, кадрни қайта олиш мумкин. Театрда эса икки соат давомида саҳнадаги ҳолатдан чиқмаслигингиз керак. Овозингиз, нафасингиз, бутун вужудингиз ишлайди. Актёр фақат сўзни ёдлаб айтмайди, унинг маъносини томошабинга етказади.

— Шу билан бирга, айрим ёш актёрларнинг пул ортидан қувишини танқид қилдингиз…

— Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Сора опа, Зайнаб опа, Содиқхон ака, Максим Юсупов, Қудрат Хўжаев, Замира Ҳидоятова, Тошкент Султонова, Холида Хўжаева, Яйра Абдуллаева сингари устозлар билан бир даврда ишлаш насиб этган. Мен театрга келганимдан буён қанча азиз санъаткорлар орамиздан кетди. Уларнинг ҳар бири алоҳида мактаб эди. Мен уларнинг пул ортидан қувганини кўрмаганман. Ҳозир эса айрим ёшлар рол ўзига мос келадими-йўқми, ўйлаб ҳам ўтирмайди: ҳақ тўланса бўлди. «Қизни янга бузади, янгани танга бузади», деган гап бор. Аммо ҳамма нарсани пул ҳал қилмайди. Вақт олтиндан қиммат. Йўқотилган пулни яна топиш мумкин, аммо ўтган вақт қайтмайди. Шундай экан, ҳар бир ролни танлаб, виждон билан ўйнаш керак. Шукур ака менга: «Бўлар-бўлмас нарса учун телевизорга чиқаверма, ролни чертиб-чертиб танла», дердилар. Йиллар ўтиб, бу насиҳат нақадар тўғрилигини англаяпман.

— Устозлар меҳнатига бугунги эътибор ҳақида нима дейсиз?

— Санъаткорлар, жумладан, вафот этган устозларимизнинг меҳнати эътироф этилаётгани мени қувонтиради. Бу — уларнинг яқинлари, шогирдлари учун ҳам катта тасалли. Чин дилдан қилинган меҳнат изсиз кетмайди. Инсоннинг нияти холис бўлиши, шукр ва сабрни унутмаслиги керак. Бир ривоятни эслайман. Одамлар ёмғир сўраб дуо қилганида, чумоли ҳам Яратгандан раҳмат сўраган экан. Ривоятнинг мен учун ибрати — чин дилдан илтижо қилиш. «Баракасини берсин», деган гап бежиз айтилмаган. Қанча пул топманг, барака бўлмаса, нима фойда? Бахт фақат бойликда эмас, соғлиқ, хотиржамлик, ҳалоллик ва шукроналикда. Устозлардан ўрганганим ва ҳаётимга татбиқ этганим шу…

— Театр актёрининг энг асосий меҳнати нимада?

— Репетицияда асар стол атрофида ўқилади, образлар ўртасидаги муносабатлар таҳлил қилинади. Актёр қайси жойда овозни кўтариш, қаерда пасайтириш, қайси сўз билан ҳамкасбининг қалбида туғён уйғотишни ҳис этиши шарт. Баъзи саҳналарда узун монологни бир нафасда етказишга тўғри келади. Бунинг учун нафас, овоз, хотира ва руҳий тайёргарлик керак. Мен «Мирзо Улуғбек»да Улуғбекни, «Қароқчилар»да Карл Моор образида ва бошқа спектаклларда ўйнаганман. Айрим саҳналардан қора терга ботиб чиқардим. Буни ўзимни мақташ учун эмас, актёрлик меҳнатининг оғирлигини тушунтириш учун айтяпман. Саҳнага бутун борлиғингиз билан кирмасангиз, томошабин ишонмайди. Шукур ака: «Биринчи синф боласи ҳам матнни ёдлай олади. Сен эса сўзнинг маъносини етказ», дердилар. Ҳозир баъзан матнни ёдлаб, шунчаки айтадиганлар кўпайган. Театрдан ойлик олиб, оилангизни боқяпсизми, саҳнага ҳалол хизмат қилишингиз шарт. Томошабинни ҳаяжонлантирмасангиз, унинг олдига нима учун чиқасиз?

— «Сизлардан кейин ким қолади?» деган саволни тез-тез эшитамиз. Сизнингча, театрнинг келажаги қандай?

— Биздан кейин ҳам театр бор, яшайди. Лекин ҳар бир актёр ўз қиёфасига эга бўлса дейман. Шукур Бурхонов, Наби Раҳимов, Олим Хўжаев, Содиқхон Табибуллаев, Максим Юсупов, Ҳамида Наримонова, Қудрат Хўжаев, Амин Турдиев, Ғани Аъзамов, Зайнаб Садриева, Замира Ҳидоятова, Тошкент Султонова, Холида Хўжаева, Яйра Абдуллаева, Римма Аҳмедова — ҳар бири бир-бирига ўхшамас характер эди. Академик театрнинг обрўси ана шундай ижодкорлар меҳнати билан шаклланган. Бугун баъзи ёшларнинг ўйини, гапириш услуби бир-бирига ўхшаб кетади. Албатта, ёрқин истеъдодлар ҳам бор. Аммо ўз устида ишлаш камаймаслиги керак. Меҳнат, яна меҳнат! Образ фақат изланиш билан мукаммаллашади.

— Ёш актёрлар сиздан маслаҳат сўрашадими?

— Қани энди бирортаси келиб: «Эркин ака, ролимни кўриб, камчилигимни айтинг», деса! Жон деб ёрдам берардик. Лекин бундай мурожаатни деярли эслай олмайман. Устоз фикрини эшитишдан чўчимаслик керак. Театр томошабин учун яшайди, актёр эса унинг ишончини қозониши шарт.

— Бугун театр томошабиннинг маънавий эҳтиёжини қай даражада қондираяпти?

— Ҳаёт ҳақиқати бор спектакл томошабинни ўзига тортади. Маннон Уйғур ҳақидаги саҳна асарини бир неча бор кўрдим. Лола Элтоева, Толибжон Мўминов, Тоҳир Саидов, Раъно Ярашева, Сайёра Юнусова каби актёрлар яратган образлар эсда қолади. Чунки уларнинг ҳар бири ўз ҳаёти, ўз характери билан намоён бўлади.

— Аввалги театр билан бугунги саҳна ўртасида қандай фарқ бор?

— Аввал саҳна нутқи баландпарвоз, оҳангдорроқ бўлган. Радиода Аброр Ҳидоятовнинг «Отелло»сидан парчаларни эшитсам, ўша давр ижро услубини ҳис қиламан. Бугун театр ҳаётга яқинроқ, табиийроқ ифодани талаб қилади. Лекин ўтмиш устозларининг сўз устидаги меҳнати, бадиий савияси ҳамиша ибрат.

— Шукур Бурҳоновнинг «Отелло»га тайёргарлиги ҳақида бир хотирангиз бор эди...

— Бир куни Шукур аканинг хонасига кирдим. У киши «Отелло»ни тайёрлаётган эканлар. Рўмолча саҳнасини ўйнаб бердилар. Бутун вужудим жимирлаб кетди. «Зўр!» дедим. У киши эса: «Йўқ, Аброр Ҳидоятов бу жойни бошқача ўйнаган, мен ҳали ўша даражага етказа олмаяпман», дедилар. Қаранг, қандай мардлик, қандай тан олиш! Кейин бу ролни ўйнамасликка қарор қилганлар. Буюк актёрнинг ўзига нисбатан талаби шундай бўлади. Яна бир хотира: Шукур ака Шароф Рашидовга Мақсуд Шайхзода Амир Темур ҳақида асар ёзса, шу образни саҳнада ўйнаш истагини билдирган экан. Ўша даврда бунга рухсат бўлмаган. Бу ҳақдаги гапни эшитганда қаттиқ қайғурганман. Агар Шукур ака Амир Темурни ўйнаганларида, бизга яна бир буюк мактаб қоларди. Бугун бу образ саҳналаримизда борлигига шукр.

— Актёрнинг мардлиги, демак, ўзидан аввалги ижрочининг маҳоратини тан олишда ҳам намоён бўлар экан.

— Албатта. Айрим асарлар муайян ижрочининг номи билан шу қадар боғланиб кетганки, уни қайта саҳналаштириш катта масъулият. «Келинлар қўзғолони»ни Зайнаб Садриева, «Парвона»ни Обид Юнусов, «Олтин девор»ни Ғани Аъзамов билан эслаймиз. Қайта ўйнаш мумкин, лекин ўз талқинингиз, ўз кучингиз бўлиши шарт. Акс ҳолда образнинг қадрини тушириш керак эмас.

— Ўзингиз воз кечган, яъни ўзингизга мос эмас деб ҳисоблаган роллар бўлганми?

— Ёшлигимда Москвада «Ричард»ни кўриб, бу ролни ўз саҳнамизда ўйнашни орзу қилганман. Кейин йиллар ўтиб, таклиф бўлганида, ёшим ва жисмоний имкониятимни ҳисобга олиб, воз кечдим. «Алишер Навоий»да Жомий ролини ҳам ўзимга мос деб билмаганман. Кейин Ҳусайн Бойқарони ўйнадим ва ролдан завқ олдим. Актёрнинг табиати, руҳиятига мос образлар бўлади.

— Актёр виждони ижодда қай тарзда намоён бўлади?

— Аввало, ўзига тўғри келмайдиган ролни виждонан рад эта олишида. Саҳна манманликни, кибрни, худбинликни кўтармайди. «Мен бу ролни қотириб ўйнайман», деб ишга енгил қараш мумкин эмас. Ҳар қандай соҳада бўлгани каби, ижодда ҳам виждонга қарши бормаслик керак.

— Ҳаётингизда виждонингизга қарши иш қилган пайтлар бўлганми?

— Эслолмайман. Балки бўлгандир, аммо ҳозир ёдимда йўқ.

— Эркин ака, кексалик инсонга нимани ўргатар экан?

— Ҳаётга фалсафийроқ қарашни. Ёшликда кўп нарсага енгил қараймиз, ота-онамиз айтган гапларнинг маъносини етарлича англамаймиз. Ёш ўтгач, ўша сўзлар яна қулоқда жаранглайди. Ҳозир ўғлим билан суҳбатлашганда ҳам баъзан унинг фикри меникидан тўғрироқ, чуқурроқ ҳис қиламан. Шунда «Ҳақсан, ўғлим», дейман. Ўзгалар ҳақлигини тан олиш ҳам мардлик.

Севдо НИЁЗОВА суҳбатлашди



«БОЛАЛАР КИТОБ ЎҚИМАЯПТИ, ДЕЙМИЗ. КАТТАЛАР-ЧИ?»

— Қўлимда «Гулхан» журнали. Бу нашр бизнинг авлод учун ниҳоятда қадрли: «Гулхан» билан бирга улғайганмиз. Унинг саҳифаларида шеъримиз, мақоламиз ёки расмимиз чоп этилса, катта воқеа бўларди. Бугунги болалар учун «Гулхан» қанчалик аҳамиятли? У болалар ўз истеъдодини намоён этадиган майдонга айлана оляптими?

— Журнални ким қўлига олса, болалигини қайта топгандек қувонади. Ана шу қувончни кўриш учун ҳам ўзим билан доим «Гулхан» олиб юраман. Таҳририят ходимлари, ижодкорлар ўз вазифасини сидқидилдан бажаришяпти. Аммо журналнинг ўқувчилар қўлига етиб бориш даражаси биз истагандек эмас. Илгаригидек эмас. Бунинг сабабларидан бири — бефарқлик. Бир пайтлар мактабларда обуна учун мажбурий пул йиғиш ҳолатлари одамларни бездирган. Кейин мактабларда пул йиғишга чек қўйилди. Бу, албатта, тўғри. Шу билан бирга, маҳаллий бюджетлар ҳисобидан мактаб ва кутубхоналарга болалар нашрлари етиб боришини таъминлаш назарда тутилгани айтилган эди. Афсуски, амалда кўпчилик газета-журналдан узоқлашди. Бу фақат «Гулхан»нинг эмас, умуман босма нашрларнинг муаммоси. Одамлар телефонга кўпроқ ишониб қолишди. Ўзимга савол бераман: телефон «Гулхан» ёки бошқа босма нашр берадиган билим, маърифат, маънавият ва завқни бера оладими? Телефонда қисқа хабарларни ўқиймиз, лекин уларнинг барчаси ҳам текширилган маълумотга таянадими? Биз эса журналнинг ҳар бир сарлавҳаси, рукни ва матни устида ишлаймиз. Болалар нашрларидан дарслик муаллифлари ҳам фойдаланиши бежиз эмас.

— Болалар нашрида ишлаш — алоҳида масъулият. Болани севадиган, унга қандай шеър ёки ҳикоя кераклигини биладиган одамлар бу ишга келиши муҳим. Акс ҳолда, биргина ноўрин жумла ҳам болага нотўғри тасаввур бериши мумкин.

— Тўғри. Масалан, психологдан ўсмирлар тарбияси ҳақида мақола сўрасак, у катталарга эмас, айнан ўсмирнинг ўзига мурожаат қила олиши керак. Биз матннинг ҳар бир жумласини бола тушунадиган тилга мослаймиз. Шеърни ҳам боланинг тилидан бериш керак. Бола билан ишлайдиган ҳар бир инсон — ўқитувчи ҳам, шифокор ҳам — унинг тилини билиши лозим. Мен шеърни бола бўлиб ўқиб кўраман: қайси сўз тилига оғирлик қилади, қаерда тўхтаб қолади? Ўша сўз устида қайта ишлайман. Ўғлимга, келинимга ёки ҳамкасбларимга ўқиб бераман. Агар бола бир сўзда қийналиб, китобни ёпиб қўйса, биз уни мутолаадан бездириб қўйишимиз мумкин. Шунинг учун ҳар бир сўзни эҳтиёткорлик билан танлаш керак.

— «Гулхан» ҳар ойда, йилига ўн икки сон чиқади. Бугун уни сайт, Instagram ва Telegram орқали ҳам кузатиш мумкин. Электрон майдондаги фаолият қандай йўлга қўйилган?

— Журнал тарқатилганидан кейин сайтимизда унинг тўлиқ вариантини жойлаштирамиз. Ижтимоий тармоқларга эса ўқувчини қизиқтирадиган саҳифаларни чиқарамиз. Айниқса, болаларнинг шеърлари, ҳикоялари, мақолалари ва расмларига кенг ўрин берамиз. Чунки вилоятларда яшайдиган, журналга обуна бўлмаган ёш ижодкорлар ҳам ўз ишларини кўришни исташади. Баъзилари чоп этилган сонни излаб таҳририятга келишади, уни ёдгорлик сифатида сақлашади. Яхши асар ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмайди. Истеъдодли ёшлар кейин ҳам биз билан алоқада бўлишади; имконият бўлса, уларни ҳамкорликка, ҳатто ишга таклиф қиламиз.

— Суҳбат давомида ижтимоий тармоқ саҳифаларини кўрдим: Instagramда 343 нафар, Telegramда эса 500–600 атрофида обуначи бор эди. Бу, албатта, кам. Қанийди, 343 эмас, 343 минг бўлса! Ахир «Гулхан» болани китобга етаклайдиган дастлабки босқичлардан бири-ку.

— Биз «болалар ўқимаяпти», «обуна бўлмаяпти», деймиз. Мен эса бунда катталарнинг ҳам масъулияти бор, дейман. Фарзандингиз учун «Гулхан»га обуна бўлсангиз, уйга келган журнални варақламайдими? Албатта, варақлайди. Ўзига ёққан нарсани топса, ўқийди ҳам. Ўқитувчилар ҳам ота-оналарга журнални тавсия қилишлари мумкин. Мажбурий пул йиғиш шарт эмас, ота-она ўз хоҳиши билан обуна бўлиши мумкин. Нега бунчалик бефарқ бўлиб қолдик? Мактабларда китобхонлик тадбирлари, нашрлар билан учрашувлар ўтказиляпти, аммо бу ҳали кам.

